

Имамова Насиба Музафаровнанинг «Хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолият даромадлари ҳисоби ва уни такомиллаштириш». (5A230901 – “Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)”).

Илмий раҳбар: доц. Тўраев А.

Тадқиқот мақсади: Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолият даромадлари ҳисоби ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

– хўжалик юритувчи субъектларда харажат ва даромадларининг туркумланиши ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

– хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолиятдан олинган даромадлар бухгалтерия ҳисобига доир ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосларини тадқиқ қилиш;

– хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар харажат ва даромадлари тўғри ҳисобга олиниб фойданинг шакллантирилаётганлигини тадқиқ қилиш;

– хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолиятдан олинган даромадларни тўғри ҳисобга олишни ташкил қилишнинг зарурий шарт-шароитлари ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда услубий асосларини ўрганиш;

– хўжалик юритувчи субъектларда асосий фаолиятдан олинган даромадлар тўғри ҳисобга олиниши молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга тавсия қилиш.